

ПОЛИФОНИК ТАФАККУР ТИПИ БАДИЙ ЯХЛИТЛИКНИ

ТАЪМИНЛАЙДИГАН ОМИЛ СИФАТИДА

(Т.Рустамовнинг «Капалаклар ўйини» романи мисолида)

Гулнора Авезова

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети,
"Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди, доцент, avezovag@mail.ru

Аннотация

Мақолада полифоник тафаккур типи тарихи, бадий яхлитлик ва ривоя техникаси нисбати, поэтик онг структураси роман жанрида намоён бўлиш тарзи Т.Рустамовнинг «Капалаклар ўйини» романи мисолида таҳлилга тортилади. Унда нутқ шакли мустақил ижодий компонент сифатида хослиги, адабий талқинда гоёвий марказ вазифадошлиги ҳамда композицион интизом ҳақида мушоҳада юритилади. Айнан роман қурилишида ҳар бир компонент таркибий қисм ва бутун бўлаги муайян функционал моҳият касб этади.

Таянч сўзлар: роман, полифоник тафаккур, поэтик онг, ривоя техникаси, вазифа.

Абстракт. В статье анализируется история полифонического типа мышления, соотношение художественной целостности и повествовательной техники, то, как проявляется структура поэтического сознания в жанре романа, на примере романа Т. Рустамова «Игра в бабочек». В ней прослеживается характеристика речевой формы как самостоятельного творческого компонента, функция идейного центра в художественной интерпретации, композиционная дисциплина. Именно в построении романа каждая составная часть и целое приобретает определенную функциональную сущность.

Ключевые слова: роман, полифоническое мышление, поэтическое сознание, прием повествования, задача.

Abstract. The article analyzes the relationship between composition and artistic integrity in the poetic stylistics of the novel, the synthesis of expression and image in the formation of epic thinking, the diachrony of form and meaning in the change of stereotypes, the role of the narrative technique in literary interpretation on the example of modern Uzbek novels. In it, the architectural uniqueness of the work and the proportion of the narrative structure, material, language and thought discipline are observed. In fact, defining the

aesthetic center of the text is related to the concept of style, the structural possibilities of the genre move the complex of materialization of creative imagination.

Key words: novel, poetic stylistics, composition, artistic integrity, image.

Полифоник тафаккур инсон руҳиятида кечадиган ҳар хил ракурс жараёнларини бевосита, ҳаққоний тасвирлашга интиланган ижод намуналарига нисбатан қўлланади. “Онғ оқими” шартли атамаси XIX аср охирларидаёқ америкалик файласуф У.Жемснинг инсон онгида дарё оқимига монандликни кўриш билан боғлиқ қарашлари асосида оммалаша бошлаганди. Жаҳон адабиёти В.Вульф, М.Пруст, Ж.Жойс, Э.Хемингуэй, У.Фолкнер каби машҳур ёзувчилари инсон онгидаги ҳис-туйғулар, ўй-фикрлар, кутилмаганда пайдо бўлувчи ассоциацияларнинг бир-бири билан бетартиб алмашилиб туриши, мазкур чатишувни мантиқан изоҳлаш мушкуллигига эътибор қаратишган. Бундай изланишлар кейинчалик сюрреализм, яъни янги романчилик намояндалари изланишларида давом эттирилди. Инсон онгидаги жараёнлар воқелик билан боғлаб тасвирланди. Натижада, онғ оқими бадиий идрок этиш воситаларидан бири сифатида ҳам талқин этила бошланди. Бундан кўзланган мақсад инсон руҳиятига янада чуқурроқ кириб бориш, унинг қоронғи пучмоқларига назар солишдир. Бу усул инсон руҳиятида кечувчи жараёнларни тасвирлаш, хатти-ҳаракатларини турли йўллар билан ижтимоий ва руҳий жиҳатдан асослашга интиланган янги адабиётда, айниқса, ёрқин намоён бўлди. Экспериментлар учун характерли хусусият анъанавий эпосга хос ривоя структураси бузилиши ва характер бутунлигига муносабат ўзгарувига боғланади.

“Миллий насримизнинг ҳозирги босқичи, хусусан, романчилигимизда янгиланиш, одатий анъанавий йўлдан бирмунча ўзгачарок, ўтган аср бошларида Ғарбда пайдо бўлган “модернистик адабиёт” деб аталувчи адабий оқимга монанд сифатлар намоён бўлаётганлиги XX асрнинг 90-йилларидаёқ тадқиқотчилар диққатини жалб қилган эди [2, 162]. Илло, бадиий наср тасвир майдони кенгайиши, чуқурлашиши, мураккаблашиши, характер яратиш янгича усуллари фаол мурожаат этилиши, ўзига хос шакллар вужудга келиши, инсонни атрофлича ўрганиш, руҳиятни таҳлил этиш роман асосий сифат белгиси ва бадиийлик мезонига айланганлиги сингари белгилар аввал тизим сифатида кўзга ташланмаганди. Ёзувчи баён тарзи, ҳикоячи типлари, сюжет тузилиши, унинг таркибидаги унсурлар ўрни ва роли ўзгариши, конфликт структураси ва кўринишлари хилма-хиллашуви, қаҳрамон ўз тасаввури асосида вужудга келган персонажга айланиши, китобхон унинг тафаккури билан мулоқотга киришиши

каби ўнлаб романчиликда содир бўлаётган ўзгаришлар полифоник тафаккур тизими билан чамбарчас боғлиқлиги аёнлашди:

“Шоший бировга таассуб қилишни жини суймасди. Ўзига таассубан соч ўстирган қуйи босқичда таҳсил олувчи шоирликка даъвогарларни кўрса, ғаш келарди. У кимдир кейин ўзига таассуб қилиши учун ёки сартарошга пули бўлмагани боис соч ўстирмаган эди. Соч ҳам аломат феъл-атвори, бир қарашда ажабтовур туюлувчи шеърлари қатори унинг шоирлигини англатарди.

- Исён, - деб айтарди у елкасига тушган сочларига қўл теккизиб. – Исён!”[4, 226]. Т.Рустамовнинг “Капалаклар ўйини” асарини кузатиш шуни кўрсатади, жанр табиати, нутқий имкониятлари ҳамда ижодкор шахсияти даражасини белгилашда шартли-рамзий макон, ифода шартлилиги ва тасвир кенглиги ҳам муҳим ўрин тутади. Қолаверса, романда муаллиф мунтазам равишда ҳосил қилинган тасаввурларни мустаҳкамлаб боришга сўз-ғоя-тафсилот бирлигини ҳам хизмат қилдира олган. Юқорида кузатилган парчада Шоший феъл-атвори муайян қирраси полифоник (адиб-қаҳрамон) ёритилади. Бировга таассуб қилишни умуман ёқтирмайдиган ёш шоирда ғайритабиий хислатлар мужассам. Аслида ўзига хосликка интилган йигит табиати алоҳида моҳиятга интилади.

“Капалаклар ўйини”да руҳан парчаланган қиёфасиз кимсалар афсонавий эртак персонажларига қиёсланар экан, ўз-ўзидан композиция тартиби ҳам эркинлашиб боради. Зоҳиран мулойим, вазмин ва хушфеъл “амаки”ларнинг қизи тенги “маликалар”га муносабатда намоён бўлган хатти-ҳаракатлари, “холалар”нинг бадфеъл, бадхулқ қиёфаси, “тадбир”ларнинг тавсифи туйғу ва онгда ғалаён уйғотади. Муаллиф стереотип услубидан деярли фойдаланмайди. Ваҳолонки, тўла аниқлик ва мантикий-узвий ҳаракат ижодий миқёсларни муайян нуқтага йиғиши эътироф этиларди. Сўз юритилаётган романда эса адиб ифода йўналишини тубдан янгилашга уринади. Муаллиф маҳорати шундаки, воқелик бир нечта бадиий ўлчамда ягона ғоявий-бадиий марказда уюшади. Эътиборли жиҳати: руҳий инқилоб муайян бадиий вақт масофасида – ҳам туйғу, ҳам онгда кечади.

Бадиий тил – адабий асарни яхлит, жонли қилувчи асосий куч бўлиб, бадиий асар барча ҳужайраларида намоён бўлади ва уларнинг яшовчанлигини таъминлайди. Агар асар миллионлаб сўз ҳужайраларидан ташкил топишини кўз олдимизга келтирсак, ғоя ва мавзу ҳам, образ ва характер ҳам, сюжет ва композиция ҳам, қўйингки, бадиий асар ҳамма унсурлари ана шу асосдан бунёд бўлиши ойдинлашади. Бинобарин, уларсиз бадиий тил яшовчанликдан маҳрум бўлади. Бордию, асарни жонли вужудга ўхшатсак, шу вужуднинг моҳиятини ифодаловчи бадиий тил руҳ (*жон*), ҳар бир сўз эса ана шу руҳнинг ришта(*томир*)ларидир. Дарҳақиқат, руҳ ва вужуд (*мазмун ва шакл*) шунчалик уйғунлашганки, образли қилиб айтганда, улар вобасталикда тирадилар, ажралганда ўладилар.

И.Султонов таъбири билан айтганда: “ тил – бадий асарнинг шакли эмас, балки шакл яратишнинг универсал воситаси бўлиб майдонга келади. Айни пайтда, мазмунни воқеъ қилади” [3, 142]. Шунга ҳамоҳанг рус адабиётшуноси Л.И.Тимофеев: “Композициянинг бадий асардаги функциялари ҳақида сўз кетганда, аввало, унинг бадий асар мураккаб таркибини – ҳам бадий ифода маданиятини, ҳам ҳаёт материалини уюштириб беришини эътироф этиш жоиз. Демак, адабий тартиблилик асар бадий тўқималарини жипслаштириб турадиган ва уни эстетик марказга йўналтирадиган адабий категория ҳисобланади” [5, 154], – дея эътироф этади.

Умуман, “онг оқими” инсонни англаш ҳамда эстетик идрок имкониятларини янада кенгайтириш, унинг руҳияти ҳақидаги тасаввурларни бойитиш билан боғлиқ жараён муайян жиҳатлари замонавий ўзбек романчилигини ҳам четлаб ўтмади. Айни пайтда, яқин ўтмиш жамияти инқирози сабабларини англаган Т.Рустамовнинг “Капалаклар ўйини” романида жамият ва инсон муносабатларига нисбатан норозилик руҳи ёрқин намоён бўлди. Бу эса ижтимоий-танқидий пафоснинг ўткирлашуви: ижтимоий адолатсизлик, шахснинг топталиши, шовинизм, инсон эркининг бўғилиши, маънавий инқирознинг кучайиш сабаблари каби масалаларга эътибор қаратишнинг ортишига олиб келди. Муҳими шундаки, экспрессионизм адабий-маданий анъаналардан буткул узилган ҳодиса сифатида пайдо бўлмади. Янгиланган образлар ва ифода тарзи инсон тафаккури ва кўнглида кечаётган давр руҳига хос кайфиятни хилма-хил акс эттиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик: Фил. фанл. номз... дисс. – Тошкент, 1994.
3. Умунов Х. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002.
4. Рустамов Т. Капалаклар ўйини. – Тошкент: Шарқ, 2000.
5. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – Москва: Просвещение, 1966.
6. <http://www.ziyouz.com/>.